

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Жўрабоев Н.Ю.

ТДТрУ доценти

E-mail: juraboyevnosir4@gmail.com

Yunusova Nasiba

Tashkent State Transport University, Tashkent, Uzbekistan

e-mail: nasiba.yunusova.1968@gmail.com;

ORCID: 0000-0001-7702-6864

Аннотация: Мақолада “конституция биноси”нинг барпо бўлиши тарихи, қадимги Шарқ ва ўрта асрлар Европа қонунчилиги, дастлабки конституциялар, Ўзбекистоннинг конституцион тарихи, мустақил Ўзбекистон конституциясининг қабул қилиниши, сўнгги йилларда олиб борилган конституцион ислохотлар, Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари тобора мукаммаллашиб ва фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда дунёқараши юксалиб бораётганлиги таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: конституция, тузуклар, ҳуқуқ, мажбурият, конституцион тарих, мустақиллик, ҳуқуқий босқичлар, қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти, конституцион ислохотлар, конституциянинг янги таҳрири, референдум.

Аннотация: в статье анализируется история строительства "здания Конституции", древневосточное и средневековое европейское право, предварительные конституции, история Конституции Узбекистана, принятие Конституции независимого Узбекистана, конституционные реформы, проведенные в последние годы, национальная законодательная система в наша страна, институтов государственных органов и гражданского общества.

Ключевые слова: конституция, структуры, право, обязанность, конституционная история, независимость, правовые этапы, система законодательства, государственные органы, гражданское общество, конституционная реформа, новая редакция конституции, референдум.

Abstract: the article analyzes the history of the construction of the "building of the Constitution", ancient Eastern and medieval European law, preliminary constitutions, the history of the Constitution of Uzbekistan, the adoption of the Constitution of independent Uzbekistan, constitutional reforms carried out in recent years, the national legislative system in our country, institutions of state bodies and civil society.

Key words: constitution, structures, right, duty, constitutional history, independence, legal stages, legislative system, government bodies, civil society, constitutional reform, new version of the constitution, referendum.

Конституциялар, уни қабул қилган мамлакатларнинг асосий қонуни бўлиб, давлат ва жамият қурилиши, инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини у ёки бу тарзда ўзида акс эттирган олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади. “Конституция биноси”нинг барпо қилиниши ва ҳозирги кўринишга келиши узоқ тарихий даврни ўз ичига олади. Шунингдек, фанга маълум бўлишича, дастлабки конституцияга хос жиҳатлар бундан тўрт минг йил аввал қадимги Бобилда пайдо бўлган подшо Хаммураппи қонунлар кодексида. Кейинги даврларда юзага келган “Салон қонунлари”, муғул “Ясоқ”лари, “Темур тузуклари” ҳам, муайян маънода, ўз дарига хос конституцион қонун ҳужжатлари бўлган, дейиш мумкин.

Давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир биз тасаввур этадиган конституцияларнинг пайдо бўлганига ҳали унча кўп вақт бўлган эмас. Баъзи манбаларда дастлабки конституция сифатида 1787 йили Филадельфияда қабул қилинган АҚШ конституцияси тилга олинади. Аслида ундан олдин қабул қилинган конституциялар ҳам бор. Бу дунёдаги энг кичик давлатлардан бири – Сан-Марино Республикасининг 1600 йилда қабул қилинган асосий қонунидир. 1710 йил 5 апрелда қабул қилинган Филипп Орлик конституциясини ҳам баъзида Европанинг илк конституцияси сифатида эътироф этишади.

Ўрта аср Шарқ мамлакатларида эса диний таълимот, хусусан, ислом дини кўрсатмалари, шариат қоидалари конституция вазифасини бажариб келган. Бундан ташқари, улуғ аждодимиз Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим») асарида давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши лозимлиги теран ёритилган. Айниқса, юқорида эслаб ўтганимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг “Тузуклар”и бу борада бебаҳо сиёсий, ҳуқуқий, маърифий қўлланма бўлиб, ундаги кўпгина ғоялар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Айниқса, “Тузуклар”даги машварат, раият, фуқароларнинг тоифаларга бўлинганлиги, уларнинг жамиятдаги мавқеи, хавфсизлик, муодофаа, кўшин тузиш ва бошқа шу қабиларга доир қарашлар ўша давр қонунчилиги нуқтаи назаридан диққатга сазовордир.

Ўзбекистонда Конституциявий “бино” нинг қурилиши уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига асосланган бўлиб, у маърифатли аждодларимиз, жафокаш халқимизнинг тарихий анъаналари ва мустақил давлат тузиш ҳақидаги кўп асрлик орзуларини ўзида мужассам этган. Булар – Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” сида, Кайковуснинг “Панднома” сида, Амир Темурнинг “Тузуклари” да, Туркистон мухториятининг тарихий ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Хўш, конституция ўзи нима? Конституция – бу лотинча сўз бўлиб, “тузилиш”, “тартибга солиш” каби маъноларни англатади. Конституция – давлатнинг асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Конституция – давлат тузилишини, унинг бошқарув шаклини, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини, шахснинг ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчларини белгилаб беради.

Ўзбекистоннинг конституцион тарихига назар ташласак, собиқ Шўролар даврида 3 марта конституция қабул қилинганига гувоҳ бўламиз Булар: Ўзбекистон ССР нинг

биринчи Конституцияси 1927 йил 30/31 мартда қабул қилинган; Ўзбекистон ССР нинг иккинчи Конституцияси 1937 йил 14-февралда қабул қилинган, у 13 та боб, 146 та моддадан иборат бўлган; Ўзбекистон ССР нинг учинчи Конституцияси 1978 йил 26-апрелда қабул қилинган, у 11 та боб, 183 та моддадан иборат бўлган.

Мустақиллик эълон қилинган, миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга тўғри келди. Бу табиий ҳол, албатта. Мустақил Ўзбекистон конституциясининг дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлди. Биринчидан, жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, янги тараққиётдаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши; иккинчидан, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши.

Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва амалга оширишнинг 6 та ҳуқуқий босқичи мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топган. Конституция яратилишидаги биринчи ҳуқуқий қадам ўзбек тилига давлат тили мақомини берилишидир. Конституция яратилиш тарихидаги иккинчи ҳуқуқий қадам, 1990 йил март ойида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида биринчи марта мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш ғояси илгари сурилганлиги билан белгиланади. Конституция яратилишидаги учинчи ҳуқуқий қадам - бу "Мустақиллик Декларацияси"нинг эълон қилиш бўлди. Конституция яратиш йўлидаги тўртинчи қадам - Конституциявий комиссияни тузилиши бўлди. Олий Кенгашнинг 1990 йил 21-июндаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов раислигида Конституциявий комиссия 64 кишидан - давлат арбоблари, депутатлар ва мутахассислардан иборат таркибда ташкил этилди. Конституция яратиш йўлидаги бешинчи қадам, албатта, давлат мустақиллигини эълон қилинишидир. Конституция яратиш йўлидаги олтинчи ҳуқуқий қадам - бу Конституция биринчи лойиҳасини оммавий муҳокамага чиқариш учун матбуотда эълон қилинишидир.

Асосий Қонунимиз икки марта - 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди. Жамоатчилик муҳокамаси натижасида Конституция лойиҳасига 100 га яқин тузатишлар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8-декабрда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинди. Бутун дунёга халқимизнинг истаги ва хоҳиш-иродаси расман эълон қилинди: ўзбек давлатчилигини замонавий цивилизация асосида қайта тиклаш, тинч ва осойишта ҳаёт кечириш, унинг мустаҳкамланишига ҳар томонлама ҳисса қўшиш, демократиясини чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети тамойилларига содиқлик, инсонпарвар қонун устуворлигини шакллантириш, фуқароликни таъминлаш кабилар унда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётидаги бу улкан тарихий ходиса ҳақида гапириб, Ислон Каримов фахр билан шундай деган эди: “Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида

биринчи – жумхуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир...Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар”.

Дарҳақиқат, Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, бугунги шиддатли давр биздан замонга мос ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этмоқда. Шу муносабат билан, амалдаги конституцияга жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, унинг янги лойиҳасини тайёрлаш ва умумхалқ муҳокамасига киритиш масаласи кун тартибига чиқди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илк бор Конституция қабул қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида гапирган эди.

Ўшанда Конституциявий ислоҳотлар тўғрисида сўз юритар экан, бу долзарб масала хусусида, жумладан, шундай деган эди:”Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустаҳкам қонунчилик базаси керак бўлишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Шу маънода асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислоҳотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда”.

Агар дунё тажрибасига назар ташланса, дарҳақиқат, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганини кўриш мумкин. “Шу сабабли, - дейди Президентимиз - аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизнинг белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”.

Шундан кейин, 2022 йилнинг май ойида амалдаги конституциянинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаш бўйича ҳайъат ташкил этилди. Мазкур ҳайъатнинг бир ойлик ҳисобот йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид – 6 та; тадбиркорлик ва ерга доир масалалар бўйича – 5 та; суд-ҳуқуқ соҳасига тегишли 8 та; давлат бошқаруви оид – 6 та; ташқи сиёсат йўналиши бўйича – 3 та; оила институтига доир – 6 та; таълим, тиббиёт, экологияга тегишли – 4 та; ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид – 3 та ва шунингдек, камбағалликни қисқартириш ҳамда ижтимоий ҳимоя бўйича қатор нормаларни киритиш таклифларини илгари сурди.

Шундай қилиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонун лойиҳасида 64 та моддага 200 дан ортиқ ўзгартишлар, 6 та янги модда ва 16 та янги

норма киритилди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш доирасида миллий қонунчилик, миллий қадриятлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ўзбек давлатчилигинг тарихий тажрибаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар, илғор хорижий тажрибалар инобатга олинди.

Янги таҳрирга кўра, Ўзбекистон конституциясидаги моддалар сони ҳозирги 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага оширилган, 128 та модданинг 91 тасига концептуал ўзгаришлар киритилган ва умуман олганда, конституция 65 фоизга ўзгартирилган. Ўзгаришлар қаторидан президентлик муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш, сенаторлар сонини 100 нафардан 65 нафарга тушириш, Ўзбекистонни ижтимоий давлат деб эълон қилиш, маҳаллий кенгашлар ва ҳокимларнинг ваколатларини бир-биридан ажратиш ва бошқалар ўрин олган. Масалан, “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат», деб қайд этилган 1-моддага мувофиқ, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалари қарийб уч бараварга ортган. Булар: **биринчидан**, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари уй-жой билан таъминланиши; **иккинчидан**, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсонга муносиб яшашини таъминлашини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши; **учинчидан**, фуқароларнинг тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олишга ҳақлилиги белгилаб қўйилди.

Маълумки, мустақил Ўзбекистоннинг илк конституцияси дастлаб парламент йўли билан қабул қилинган эди. Янги таҳрирдаги конституцияни эса Референдум йўли билан қабул қилиш таклиф этилди. Бу сиёсий жиҳатдан тўғри қарор эди. Шу тариқа, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги 2023 йил 10 мартдаги 3017-IV-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги 2023 йил 14 мартдаги СҚ-702–IV-сонли қарорларига мувофиқ, 2023 йил 30 апрель куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказилдиган бўлди.

Референдумда овоз беришда иштирок этган 16 667 097 нафар фуқароларнинг ярмидан кўпроғи, яъни 15 034 608 нафари ёки 90,21 фоизи референдумга қўйилган “Сиз “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини қабул қиласизми?” деган масалага “Ҳа” деб ёқлаб овоз берди.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериши орқали қабул қилинган деб ҳисобланди ва мазкур қонун 1-майдан кучга кирди.

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирдаги Ўзбекистон конституциясининг қабул қилиниши жамиятининг эволюцион ривожланишидан келиб чиққан ҳаётий зарурат бўлиб, бу қонун мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ғоят аҳамиятли масала эканлиги билан бирга адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамларимизга асос бўлиб хизмат қилади. Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари тобора мукамаллашиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора юксалиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., “Yuridik adabiyotlar publish”, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги билан муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табриги. – “Халқ сўзи”, 9-декабрь, 2021 й.
3. <https://sputniknews.uz/20211107/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий ҳайъат йиғилишида сўзлаган нутқи. – 2022 йил, 20-июнь. <https://kun.uz/news/2022/06/20/prezident-konstitutsiya-boyicha-oz-takliflarini-berdi-roxat>
5. Жўрабоев Н. Ю ЎЗБЕКИСТОНДА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ. 464-467. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14633416>
6. Жўрабоев Н.Ю ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. 460-463. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14633414>
7. Nasiba Yunusova. THEORETICAL FUNDAMENTALS OF SPIRITUAL CULTURE RESEARCH. American journal of social and humanitarian research. -111-115, 2021-yil.
8. 23. Matkarimova Jamila, Umarova Rozigul, Yunusova Nasiba. Factors And Interests That Unite Citizens. International Journal of Membrane Science and Technology. -pp 2693-2695, 2023-yil. International Journal of Membrane Science and Technology, 2023, Vol. 10, No. 2, pp 2693-2695
9. Nasiba Yunusova. THE CHARACTERISTICS OF CHIERRORISM. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. -21-24, 2022-yil. 10.5958/2249-7315.2022.00407.5
10. Jamila Matkarimova , Nasiba Yunusova . Non-Government Non-Profit Sector Is An Important Power For The Global Economy. Journal of Pharmaceutical Negative Results | Volume 13 | Special Issue 7 | 2022. 1842- 1845

11. Nosirov Rashod Adilovich, Yunusova Nasiba Sharifovna, Nazarova Nilufar Juraevna, Shamsiddinova Elmira Mukhamedjanovna. OCCUPATIONAL PROBLEMS IN YOUTH COMPETITIVENESS. Problems in the Textile and Light Industry in the Context of Integration of Science and Industry and Ways to Solve Them AIP Conf. Proc. 2789, 040097-1–040097-4;